


Х. ХИЗМАТЛАР

Жамиятнинг ривожланиши ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши билан хизматлар соҳасининг муайян ривожланиши юз беради. Ҳозирда бу соҳада иш билан бандликнинг ошиши, меҳнатни техник жиҳозланишининг ўсиши, илғор технологияларнинг жорий этилиши кузатилмоқда.

Замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасининг ўрни мазкур соҳада иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари, айнан, янги илмий билимлар, ақлий капитал, ахборот технологиялари, молия сектори хизматлари, консалтинг ва бошқалар шаклланиши билан изоҳланади.

2019 йил 1 апрель ҳолатига республикада 350,7 мингга яқин фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 230 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,0 % га кўпайди.

2019 йил 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонida хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларининг улуши, % (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)




2019 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар улуши (36,2 %) юқоридир.

Яқин ва узоқ хориж давлатлари билан, шунингдек туризм соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш яшаш ва овқатланиш хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар сонининг ўсишига таъсир кўрсатди. Уларнинг улуши 9,4 % ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар умумий сонидagi улуши 6,1 % ни ташкил этди.

Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 3,1 % ни ташкил этди.

2019 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Маълумот учун: 2018 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида 197,4 мингта корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатган. Уларнинг умумий таркибида энг катта қисмини савдо хизматлари (32,6 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (9,0 %), ташиш ва сақлаш (6,4 %), ахборот ва алоқа (3,3 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (3,1 %) ташкил этади.

2019 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ўтган йилга нисбатан 7619,8 млрд. сўмга ошди ва 40168,7 млрд. сўмга тенг бўлди. 2018 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 111,1 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш
(2019 йил январь-март ойлари учун)

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Жамига нисбатан %
Хизматлар – жами	40 168,7	111,1	100,0
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2 215,7	99,3	5,5
молиявий хизматлар	6 759,4	150,7	16,8
транспорт хизматлари	12 041,2	103,8	30,0
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	5 330,7	101,1	13,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	1 140,1	103,6	2,8
савдо хизматлари	10 258,2	104,5	25,5
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	1 233,2	102,5	3,1
таълим соҳасидаги хизматлар	1 600,3	123,2	4,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	563,0	116,0	1,4
ижара хизматлари	821,4	102,2	2,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	671,9	102,9	1,7
шахсий хизматлар	1 008,9	103,9	2,5
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	644,0	125,1	1,6
бошқа хизматлар	1 211,4	102,5	3,0

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор муносабатларининг, шунингдек, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг ривожланиши билан хизмат кўрсатиш соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатларига молиявий хизматлар – 150,7 %, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 125,1 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 123,2 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 116,0 % бўйича эришилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган
бозор хизматларининг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-март ойлари учун)**




Нисбатан пастроқ ўсиш суръатлари ижара хизматларида (102,2 %), кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (102,5 %), шунингдек, компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматларда (102,9 %) кузатилди.

Хизматлар таркибида транспорт хизматлари (30,0 %), савдо хизматлари (25,5 %), молиявий хизматлар (16,8 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,5 %) улуши устунлик қилади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,6 %), шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,4 %) га тўғри келади.

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби

(2019 йил январь-март ойлари учун)




Транспорт мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Транспорт хизматларининг деярли ярми автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш хизматлари ҳисобига тўғри келади.

Қулайлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг нисбатан арзонлиги туфайли автомобиль транспорти, транспортнинг бошқа турларига нисбатан талаб энг юқори бўлган транспорт турларидан бири ҳисобланади. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 44,3 % га тенг.

2019 йил январь-март ойларида қувур йўли орқали ташиш бўйича хизматларнинг улуши 24,2 % ни ташкил этди. Транспорт хизматлари умумий ҳажмида темир йўл транспорти хизматлари 14,0 % ни эгаллайди. Ҳаво транспортида юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар улуши умумий транспорт хизматлари ҳажмининг 9,8 % ни ташкил этади.

Ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши транспорт хизматлари умумий ҳажмида 7,7 % га етди.

Транспорт хизматларининг таркиби (2019 йил январь-март ойлари учун)



Маълумот учун: Жаҳон банки маълумотларига кўра, Логистика самарадорлиги индекси (LPI) бўйича 167 дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистон 117-ўринни эгаллади.

Ушбу рейтингда Ўзбекистоннинг инфратузилмасини ривожлантириши даражаси 2,44 ни ташкил этди, бу эса бизнинг мамлакатимизга 98-ўринни эгаллаш имконини берди. Ўз вақтида етказиб бериш муддатига риоя этиши даражаси 3,01 (101-ўрин), шунингдек, логистика сифати ва омилкорлиги 2,49 (109-ўрин) деб баҳоланди. (<https://lpi.worldbank.org/>)

<https://lpi.worldbank.org/>


Бугунги кунда бозор иқтисодиётига хос бўлган хизматларнинг (банк, молия, суғурта, риэлторлик, консалтинг) ҳажми сезиларли равишда ошмоқда.

Пул-кредит сиёсатини эркинлаштириш, истикболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини ошишига таъсир кўрсатди.

2019 йил январь-март ойларида молиявий хизматлар ҳажми 6759,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 150,7 % ни ташкил этди.

2018 йил январь-март ойларига нисбатан молиявий хизматларнинг нисбатан юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (194,4 %), Жиззах (187,6 %) ва Наманган (184,7 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (174,0 %) кузатилди.

Худудлар кесимида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-март ойлари учун)



Бошқа худудларга нисбатан Тошкент шаҳри (140,5 %) ва Тошкент вилоятида (147,2 %) унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари кузатилди.

Маълумот учун: Rating-Agentur Expert RA (RAEX-Europe) рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг суверен давлат кредити рейтингини «B+» (кредит тўлаш қобилияти ўртачадан past) даражасидан «BB-» (етарли) даражасигача кўтарди. (<https://raexpert.eu>). Экспертларнинг қайд этишича, Ўзбекистоннинг рейтинг даражаси мамлакатда молиявий долларлаштиришнинг барқарор пасайгани, еврооблигацияларнинг чиқарилиши ҳисобига мамлакатнинг халқаро капитал бозорига муваффақиятли чиққани боис оширилган.

Аввалроқ, Fitch Ratings ва Standard & Poor's рейтинг агентлиги (<https://standardandpoors.com>, <https://fitchratings.com>) Ўзбекистонга суверен кредит рейтингини берган эди. Ҳар иккала агентлик ҳам барқарор прогноз билан узоқ муддатли "BB-" ва қисқа муддатли "B" даражадаги рейтингини беришди.


Ҳозирги кунда республикада улгуржи ва биржа савдо корхоналарининг фаолияти учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда чакана савдо тармоғи фаол ривожланмоқда. Савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмининг сезиларли қисмини ташкил қилади.

2019 йил январь-март ойларида савдо хизматлари ҳажми 10258,2 млрд. сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида улуши 25,5 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан савдо хизматларининг ҳажми 1487,3 млрд. сўмга ошди.

Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга. 2019 йил январь-март ойларида унинг улуши 68,3 % ни ташкил этди.

Савдо хизматлари таркиби, %
(2019 йил январь-март ойлари учун)



Улгуржи савдо бўйича хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 24,7 % га етди.

Автомобиллар ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар умумий савдо хизматлари ҳажмида 7,0 % ни ташкил этади.

Таълим тизимини ривожлантириш Ўзбекистондаги энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, аввало, инсон онги ва фикрлашидаги ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди ва унинг маънавиятини юксалишига имконият яратади.

2019 йил январь-март ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 1600,3 млрд. сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш 23,2 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида таълим соҳасидаги хизматларнинг ўсиш суръатлари
(2019 йил январь-март ойлари учун)

Ўзбекистон Республикаси - 123,2 %	
 Энг юқори ўсиш суръатлари	 Энг паст ўсиш суръатлари
Бухоро вилояти - 168,4 %	Наманган вилояти - 119,6 %
Хоразм вилояти - 154,6 %	Фарғона вилояти - 119,5 %
Сирдарё вилояти - 136,0 %	Самарқанд вилояти - 119,3 %
Жиззах вилояти - 132,7 %	Навоий вилояти - 119,2 %
Қорақалпоғистон Республикаси - 126,1 %	Тошкент вилояти - 117,4 %
Қашқадарё вилояти - 121,9 %	Андижон вилояти - 110,5 %
Тошкент ш. - 120,8 %	Сурхондарё вилояти - 101,5 %

Таълим соҳасидаги хизматлар бўйича юқори ўсиш суръатлари Бухоро вилоятида – 168,4 % қайд этилди. Бундан ташқари таълим соҳасидаги хизматларда юқори ўсиш суръатлари Хоразм (154,6 %), Сирдарё (136,0 %) Жиззах (132,7 %) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (126,1 %) ва Тошкент ш. (120,8 %) кузатилди.


Унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Сурхондарё вилоятида – 101,5 % қайд этилди.

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини акс эттиради, ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ҳажмини белгилайди ва худуднинг бюджет салоҳиятини ва пул оқимини, шу жумладан хизматлар соҳасини ривожлантиришни белгилайди.

Республикада худудлар бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида етакчи ўринни Тошкент шаҳри (32,3 %) эгаллайди. Шу билан бирга, Тошкент (7,2 %), Самарқанд (6,5 %), Фарғона (6,1 %) ва Андижон (5,2 %) вилоятларида энг юқори улуш кузатилди.


Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмида энг кичик улушни куйидаги худудлар Сирдарё (1,4 %), Жиззах (2,1 %), Навоий (2,5 %), Хоразм (3,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,1 %) эгаллади.

**Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий
ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %
(2019 йил январь-март ойлари учун)**



2018 йил январь-март ойларига нисбатан 2019 йил январь-март ойларида энг юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (118,5 %), Жиззах (116,8 %), Наманган (112,5 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (116,3 %) ва Тошкент шаҳрида (113,7 %) қайд этилди.

**Ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган хизматларнинг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-март ойлари учун)**



Юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Самарқанд (107,7 %), Қашқадарё (107,9 %), Тошкент (108,7 %) вилоятларида кузатилди.

Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

(2019 йил январь-март ойлари учун)


	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2018 йил январь-мартга нисбатан %	жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %	минг сўм	2018 йил январь-мартга нисбатан %
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	40 168,7	111,1	100,0	1 205,7	109,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1 226,3	116,3	3,1	654,9	114,6
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	2 091,1	111,1	5,2	680,7	109,1
Бухоро	1 724,7	112,0	4,3	909,0	110,3
Жиззах	849,6	116,8	2,1	626,9	114,4
Қашқадарё	1 822,3	107,9	4,5	566,0	105,7
Навоий	1 009,0	110,3	2,5	1 028,5	108,4
Наманган	1 627,1	112,5	4,1	590,0	110,3
Самарқанд	2 623,8	107,7	6,5	689,3	105,4
Сурхондарё	1 482,4	111,9	3,7	575,6	109,4
Сирдарё	543,2	118,5	1,4	653,3	116,5
Тошкент	2 903,4	108,7	7,2	1 000,2	107,3
Фарғона	2 444,5	110,8	6,1	662,6	108,9
Хоразм	1 197,5	112,4	3,0	651,4	110,5
Тошкент шаҳри	12 989,9	113,7	32,3	5 162,1	111,6

¹⁾Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни кўшиган ҳолда

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ҳар ойда ўсиши қайд этилмоқда. 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 210,6 минг сўмга ҳажми ошиб, 1205,7 минг сўмга тенг бўлди. Ўсиш суръати 109,0 % ни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич ҳудудлар ўртасида Тошкент шаҳрида 5162,1 минг сўмдан Қашқадарё вилоятида 566,0 минг сўм оралиқни ташкил қилди.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор
хизматларининг ҳажми
(2019 йил январь-март ойлари учун)**



Кўплаб халқаро экспертларнинг фикрига кўра, хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг замонавий тузилмавий мослаштиришни муваффақиятли яқунлаш учун ҳал қилувчи заруратдир.